



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
бу юк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 6 июнь, № 107 (3906)

Сешанба



Инсон умрини
йиллар давомида
қилган ибратли
ишлари, яхши амал-
лари, солиҳ
фарзандлари зий-
натлайди. Номини
эл аро дoston қила-
ди. Шу боис ўзини
хурмат қилган инсон
ҳамиша эзгу ишлар
қилишга, эл қорига
ярашга интилади.
"Отанга раҳмат,
баракалла!", деган
олқиш эса чеккан
барча заҳматларини
унут қилади.
Тўрақўрғонлик
миришкор деҳқон
Абдурахим Ҳамидов
ҳам эл дуосини олиб
яшаётган замондош-
ларимиздан.

Эзгу дуолар ижобати

Ўзбекистон Қаҳрамони. Тенг-тўшлари орасида у ҳақда гап кетса "дарё" деган сифат берилади. Собаби, Абдурахим ака кенгфёёл, одамхон, дилкаш инсон. Бирок, адолатсизлигу кибр билан чиқиболмайди.

нинг, ер билан тиллаша оладиган миришкорнинг замони. Яхши ишласанг, ҳалол бўлсанг оиланг ҳам, юрт ҳам обод бўлади.

Бугун қаҳрамон бош бўлган "Ўзбекистон" ширкат ҳўжалиги мавжуд 1050 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. Шундан 650 гектариди ғўза ниҳоллари баравж ўсаётган бўлса, қолган май-

донлардаги бўлиқ бошоқлаган ғаллага ўроқ тушиш арафасида. Жамоанинг жорий йилдан умидлари катта. Яхши ниятли кишиларга эса, эзуликлар ёр бўлаверади.

СУРАТДА: Ўзбекистон Қаҳрамони Абдурахим Ҳамидов.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик ҳамада Халқ демократик партияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Фракциялар йиғилиши

Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг мажлисларида тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида қатор қарорлар эълон қилинган эди. Ушбу ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш мақсадида "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.



Маълумки, мамлакатимизнинг шарқий минтақасида жойлашган Андижон вилояти ўзининг мафтунокер табиати, кўнча тарихи, илғор маданияти, катта иқтисодий салоҳияти билан ажралиб туради. Олтин водийга қиёсланадиган ҳудудда истиқомат қилувчи вилоят аҳли Ватан равнақи, мамлакат тараққиёти йўлида астойдил меҳнат қилмоқда ва унинг самарасидан баҳра-

Андижон шаҳрида "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Бугунги Андижон" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

ДАВР РУҲИ БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН КИТОБ

Байрамона рўҳда кенг қамроқ тақдимот маросимида вилоятда амалга оширилган ана шундай бунёдкорлик ишлари хусусида сўз юритилди.

аёллар футбол-хоккей клуби бош мураббийи Мирман Ким, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Уктамжон Ҳайдаров, "ЎзДЭУавто" корхонаси пресслаш чехи оператори Аслиддин Сатторов ва бошқалар мазкур нашрнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида сўз юритдилар. Улар Андижон вилоятига бўлган алоҳида эътибор учун мамлакатимиз Президентига ҳурқур миннатдорлик изҳор этиб, "Бугунги Андижон" китоби ҳар бир юртдошимиз қалбидан ва китоб жавонидан муносиб ўрин эгаллашга ишонч билдирдилар.

Тадбир

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати мониторинги учун экологик индикаторлар" лойиҳаси юзасидан анжуман ташкил этилди.

Самарали лойиҳа

Лойиҳанинг асосий мақсади табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит ҳолати бўйича юргизилаётган мониторинг самарасини оширишдир.

Энг озода шаҳар қайси?

Шундай қорхона ва маҳалла ҳам экофестивалда эълон қилинди

"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ташаббуси билан ҳар йили мамлакатимизда уч бор кичида анъанавий "Экология ва саломатлик кунлари" бўлиб ўтади. Утган ҳафта якунида ана шу тадбирларнинг Бутунжаҳон атроф-муҳит кўнига бағишланган иккинчи босқичи ҳамда "Санитария, гигиена ва экологик маданият" ўн кунлиги доирасида жойларда экологик ҳашар ташкил этилди.



ги "Туркистон" саройида "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада концерт бирлашмаси ҳамкорлигида экофестивал ўтказилди. Унда расмларнинг Бутунжаҳон атроф-муҳит кўнига бағишланган табиат мавзусидаги асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

эга бўлди. Қорхона ва ташкилотлар орасида эса қилиб "Қўнғирот технология сув билан таъминлаш бошқармаси"га насоб этди. Бошқарма жамоасига ташкилотнинг мажуси диплом ҳамда 2 миллион сўмлик ҳақ истрёмолли моллари топширилди. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги "Янгиобод" маҳалласи энг юқори экологик кўрсаткичга эга маҳалла номига муносиб кўрилди. Уларга ҳам мажусу диплом ва 2 миллион сўмлик ҳақ истрёмолли моллари ҳақда қилинди. Экофестивал эл севган санъаткорларнинг катта концерт дастури билан ниҳосига өтди.

Шавкат ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

АРАБ ДУНЁСИ ЎЗБЕКISTONНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" китоби араб тилида нашр этилгани ва Қувайт ҳақида Саудия Арабистони мамлакатларида мазкур китобнинг тақдимоти бўлиб ўтгани ҳақида аввал хабар берган эдик. Тақдимот маросимида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

— Гапимнинг аввалида шўни мамнуният билан таъкидлашим лозимки, Юртбошимизнинг ушбу китоби нафақат икки мамлакатда, балки бутун араб дунёсида катта қизиқиш уйғотди. Буни Қувайт ва Саудия Арабистонида бўлиб ўтган тақдимот маросимларида мазкур давлатларнинг қўллаб ҳўқумат ҳамда ижтимоий-сиёсий доиралари, жамоатчилик вакиллари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, талабалар, бу мамлакатларда фаолият юритаётган чет эл дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, етакчи таҳлил марказлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этганидан ҳам билса бўлади.

Кайд этиш лозимки, тақдимот маросимлари араб дунёсидаги энг нуфузли илмий-таҳлилий муассасаларда — Қувайт миллий университетида ва Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёздаги подшоҳ Файсал номидаги Ислам тадқиқотлари марказида бўлиб ўтди. Тадбирларда сўзга чиққанлар Президентимизнинг мазкур китоби ўз вақтида нашр

мавқега эга эканлигини кайд этди. Шу боис ҳам мамлакатнинг Марказий Осиё минтақасида ўзининг гаразли мақсадларини рўйга чиқаришга интилаётган катта кучларнинг геосиёсий ўйинлари саҳнасига айланмоқда, дея таъкидлади у.

Этироф

рорлик кўп жиҳатдан Ўзбекистондаги вазиятга боғлиқлигини алоҳида зикр этиб, мамлакатимизнинг террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашдаги муваффақиятлари бутун минтақада ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг гарови эканлигини кайд этди.



СУРАТЛАРДА: Қувайт миллий университети ва Саудия Арабистонидagi подшоҳ Файсал номидаги Ислам тадқиқотлари марказида бўлиб ўтган тақдимот маросимларидан лавҳалар.



дими Абдуразақ Ҳаммуд Заҳронийнинг айтишича, тинчлик ва бағрикенглик дини бўлган ислом терроризм ва экстремизм билан боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Ислам ҳеч қачон эърозонлигини тарғиб қилмайди. У ҳаммиша урушларни қоралаб келган.

Сафаримиз давомида биз Саудия Арабистонидagi ҳамюртларимиз билан ҳам учрашдик. Улар Президентимизнинг китобига юксак баҳо беришди. Сафҳон Тур Марғилоний, Мўминжон ва Олимжон Андижоний, Хуршидбек Тошқандий каби ватандашлар Саудия Арабистонидagi миллатдошларимиз номидан гапириб, Юртбошимиз сиёсатини қизгин қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, юртимиз келажагини ўйлаган ҳар бир фуқаро Президентимиз Ислам Каримов теваригида янада жиқлашши лозимлигини таъкидладилар.

Мўминжон Андижоний айтганидек, ҳар бир катта ишнинг аҳамияти четдан аққор кўринади. Шу маънода, Президент Ислам Каримовнинг хизматлари Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилмоғи даркор, деди у.

Б. ЭҒАҚУЛОВ ёзиб олди.

ЎЙИНЧОҚ ФАҚАТ ОВУНЧОҚМИ?

Пойтахтимиздаги Сайилгоҳ кўчаси юртдошларимиз билан ҳамisha гавжум. Қачон борманг, бу сўлим хиббонда шаҳар аҳлининг мазада қилиб қолган чикараётган олис қишлоқдан келган меҳмоннинг ҳайратлангича болаларнинг шодон қийқириқлари гувоҳ бўласиз. Айниқса, бу ердаги чиройли ва беҳижим ўйинчоқлар кичкинтойларнинг жону дили.

Болалар учун энг яхши совға ўйинчоқ, албатта. Фарзандлар дидига мос ўйинчоқлар уларни фақатгина овутишда эмас, балки дунёқараши шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутadi. Лекин айрим ўйинчоқлар таркибидagi зарарли моддалар болаларимиз соғлиғига салбий таъсир қилиши мумкинлигини ҳамма ҳам билвермайди.

Албатта, давлат боҳжона масканларида юртимизга кириб келадиган ҳар бир маҳсулотнинг санитария-гигиена ҳолати қаттиқ назоратга олинган. Буюм бозорлари ва бошқа савдо дўконларида ҳам бундай товарлар савдосига руқсат этилмайди. Бироқ, турли ноқонуний йўллар билан кириб келадиган ўйинчоқлар ҳам борки, бундан асло қўз юмиб бўлмайди.

Зарарли моддалар пластизол ва пластмассадан тайёрланган ўйинчоқларда, айниқса, кўп учрайди, — дейди давлат санитария-эпидемиология назорати маркази болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими мудири Нилъа Салихова. — Уларнинг таркибидagi руҳ, мис, хром, дибутилфталат, сурма каби кимёвий бирикмалар тери ва нафас йўллари зарарлаши мумкин. Шунингдек, бўғида оғир металл тузлари кўп ўйинчоқларда пайдо бўлувчи кадийий моддаси ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради.

Очиги, кўпчилигимиз маҳсулот харид қилишда унинг мувофиқлик сертификатини сўрашга журъат қилмаймиз. Сифатсиз маҳсулотни, ҳеч бўлмаса, ҳиди ва рангидан ажратиш мумкинлигини эса ҳамма ҳам билвермайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, зарарли ўйинчоқларда бошни орғиладиган ёқимсиз хид бўлади, ушлаганда кўз тейлади ва ранги тез ўзгариб кетadi. Энг ёмони, ёш болалар ўйинчоқлари оғизга солиб ўйнайди. Бундай ўйинчоқларни харид қилиш ёки

уларни ювмаслик натижасида бола организмига қанчадан-қанча микроблар тушишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Сўнгги пайтларда, айниқса, юмшоқ ўйинчоқлар хариддорлар бўлиб бормоқда. Шундан ҳам биллш мумкинки, аҳоли бу турдаги маҳсулотларнинг зарарли эканлигини тўла англаб етмаган. Негаки, аксарият юмшоқ

чиқариши учун буюртма бўлиши керак экан. Бизнингча эса, ҳозирги бозор шароитида ишларни юриштиришнинг энг асосий омилларидан бири — реклама. Эҳтимол корхона ўз маҳсулотларининг афзалликлари намойиш этиб, буюртмалар топишда ташаббус кўрсатганда, инкирозга юз тутмаган бўлармиди? Қолаверса ким буюртма берар экан деб қўтиб ўтириш керакми?

Газетхонга маълумки, Тошкентдаги "Ўзсавлопласт" кўша корхонасида ҳам ўйинчоқлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шу буюм корхонадаги аҳоли билан қизиқиб кўрдик. Маълум бўлишча, у

лари ҳам болаларимизга ибрат бўла олмайди. Эътибор берган бўлсангиз, қизалоқлар кўгирчоғининг очик-сочик кийимлари ўрнига атлас кўйлак тиқишга, сочили ўришга ҳаракат қилишadi. Ўғил болалар эса жажжигина "Нексиа" машинаси бўлишини исташadi.

Дарҳақиқат, буюк аждодларимизни талқин этувчи ёки миллий қадриятларимизни кўрсатувчи ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга, хариддорлар бўлиши билан бирга, ёш авлод оғизда ватанпарварлик туйғуларини уйғотиши мумкин-ку. Ҳозирча эса савдо шохобчаларида ҳориж ўйинчоқларининг бозори чақон. Айниқса, бу маҳсулотлар шарҳларор бекларда, буюм бозорларида хариддорлар. Чунки савдогарлар бозорга ёки саёхатта чиққан киши фарзандига, албатта, бирон нарсани олинишини жуда яхши биллшadi.

Ана шундай гавжум растанлардан бири пойтахтимизнинг Собир Раҳимов метро бекатидан чиқаришда жойлашган. Бу ерда ўйинчоқларнинг бошқа жойлардагига нисбатан бирмунча арзонлиги эътиборимизни тортиди.

— Ана бу машина 4000 сўм, кўгирчоқлар 2500 сўмдан, — дейди сотувчи аёл. — Хохласангиз, "мягкий" ўйинчоқлардан олинг. Сизга қанақаси керак ўзи? — Сифати яхши бўлса, — дедим секин.

— Вой, ҳаммаси сифатли, ука. — Баъзи ўйинчоқларда зарарли моддалар бор деб эшитганман-да. — Билмадим. Шу пайтгача ҳеч ким бунни сўрамаган. Ҳамма олаятти-ку. Сотувчининг "ҳеч ким бунни сўрамаган" деган гагида, афсуски, жон бор. Ҳақиқатдан ҳам, буюм аксарият истеъмолчилар харид қилаётганда маҳсулотнинг сифати, яроқлилик мuddати ва шу каби зарур жиҳатларга кўпмакўр эътибор беравермайди. Бошқача айтганда, ўзимизнинг лоқайдчилигимиз ва укувсизлигимиз муаммоларга замин яратмоқда. Шундай экан, буюм ҳар биримиздан ҳушёр ва эътиборли бўлиш талаб этилади. Айниқса, гап ёш авлод соғлиғи ҳақида борганда.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мулоҳаза



Ўйинчоқларнинг юнги суний бирикмалардан ҳосил бўлади ва кўп микдорда чанг ютади. Устига-устига, уларни юви ҳам, дезинфекциялаб ҳам бўлмайди. Бундай ўйинчоқларнинг туки нафас йўлларига ҳақиқатан ҳам оғизга тушади, аяқли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Буюм ўртамиёна бир ўйинчоқнинг нархи 5 мингдан 25 минг сўмгача. Ҳажми катта-роқлари эса янада қimmat. Бунга кўпчилик ўйинчоқлар асосан ҳориждан келтириладигани сабаб қилиб кўрсатишadi. Ҳўш, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзимизда йўқми?

Бир пайтлар "Тошкент кўгирчоқлар фабрикаси" бўларди. Бугунги кунда ушбу корхона фаолияти ўзгарган. Бу ерда кўгирчоқ умуман ишлаб чиқарилмапти. Корхона раҳбари Фарҳод Тожибоев бу ҳолинг сабабини "кўгирчоқ ишлаб чиқариши учун ишлатиладиган хомашёнинг асосий қисми ҳориждан келтирилиши, оқибатда маҳсулотнинг танархи ҳам юқори бўлиши" билан изоҳлади. Унинг фикрича, корхона ўз ишини қайта йўлга қўйиши ва кўгирчоқ ишлаб

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ «АХБОР-РЕЙТИНГ» БАНКЛАРАРО РЕЙТИНГ КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН РЕСПУБЛИКА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ 2006 ЙИЛ I ЧОРАГИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Тижорат банклар фаолиятининг 2006 йил I чораги якунлари бўйича ўтказилган рейтингда 22 та банк иштирок этди.

Рейтингда иштирок этган банкларнинг якуний кўрсаткичи ўртача 33,66 баллини ташкил қилди. (2005 йилнинг биринчи чораги бўйича 30,03 балдан иборат бўлган эди). Бунда банклар рейтингга таркибий қисми бўлган ҳар ўз кўрсаткичининг, жумладан, кўламлилиги, ишончлилиги ва рентабеллиги кўрсаткичларининг ўсиши кузатилади.

Кўламлилиги кўрсаткичининг ўртача қиймати 2005 йилнинг биринчи чорагидаги 7,05 балдан 2006 йилнинг биринчи чораги бўйича 10,24 балга ўсди. Ушбу кўрсаткичнинг ҳажбий динамикасига умумий банк активларининг ўсиши ва даромадларнинг ижобий динамикаси сабаб бўлди. Таҳлил қилинган даврда рейтингда иштирок этган банкларнинг умумий активлари 35,6 фоизга ўсди. Банклар активларининг асосий қисми кредит қўйилмалари ва ликвид маблағлардан иборат бўлиб, улар биргаликда активларнинг 85 фоиздан ортиқ қисmini ташкил қилмоқда. Кредит қўйилмалари (соф қолди) таҳлил қилинган давр мобайнида 29 фоизга ўсди. Банкларнинг ликвид маблағлари (нақд пул қолдиқлари, Марказий банкдаги маблағлар ва бошқа банклардаги маблағлар) 52 фоизга ортди.

Банкларнинг умумий даромади ўтган даврда 26,7 фоизга кўтарилди. Банк даромадларининг яшдан қўли, яъни 50,2 фоизга фоиссиз даромадлар, шу жумладан, комиссия даромадлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадларга тўғри келмоқда. Бунга асосан фоиссиз даромадларнинг (46,2%) фоизли даромадлари (11,7%) нисбатан юқори суръатлар билан ўсиши сабаб бўлди. Фоиссиз даромадлар таркибида ҳориж валюта операцияларидан олинган даромадлар (102,2%) ва комиссия даромадлар (41,4%) айниқса юқори суръатда ўсиш кузатилади.

Фонизлардан олинган даромадлар 11,7 фоизга ошди. Ушбу даромадларнинг нисбатан паст суръатларда ўсишига банклардаги фоиз ставкаларининг пасайиши сабаб бўлди. Соуда ва лизинг операцияларидан олинган даромадлар фоизли даромадларнинг асосий манбаи ҳисобланиб, уларга умумий фонизлардан олинган даромадларнинг 68,8 фоизи тўғри келмоқда. Ўтган даврда бошқа банкларга жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизли даромадлар ҳам юқори суръатларда ўсди (62%).

Ресурс базасининг ўсиши актив операцияларининг янада кўпайишига сабаб бўлди. Банкларнинг жалб қилинган маблағлари 29 фоизга ошди. Бу эса ўз навбатида банклар мажбуриятларининг умумий пасивлардаги ҳажминини 84 фоиздан 86 фоизга ўсишига олиб келди. Номо-лиявий сектор депозитлари ва жалб қилинган соудалар банклар актив операцияларини молилаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Уларнинг умумий ҳажми банкларнинг умумий мажбуриятларининг 81,7 фоизини ташкил қилмоқда (2005 йил I чорагида — 83,1%).

Мижозлар депозитлари 45,4 фоизга ўсди. Бу кўп жиҳатдан талаб қилиб олингунча (40,2%) ва мuddатли (35,8%) депозитларнинг ўсиши ҳисобига таъминланди. Талаб қилиб олингунча ва мuddатли депозитларнинг умумий депозитлардаги салмоғи 62 фоиз ва 28,8 фоизни ташкил қилди. Жамғурият депозитлари ҳажми 174,2 фоизга ошди ва уларнинг умумий депозитлардаги салмоғи ҳам 2005 йил биринчи чорагидаги 4,9 фоиздан жорий йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича 9,2 фоизга ўсди. Тўлов учун қабул қилинган соудалар 20,6 фоизга, бошқа банклар маблағлари 65 фоизга ўсди.

Банклар фаолиятини молилаштиришнинг барқарор манбаи бўлган акциядорлик капиталли асосан тақсимланмаган фойда (56,4%) ва устав капиталли (30,1%) ҳисобига шаклланди. Тижорат банкларнинг акциядорлик капиталли таҳлил қилинган давр ичида 17,4 фоизга ўсди. Акциядорлик капиталли таркибида устав капиталли 9,3 фоиз ва тақсимланмаган фойда 20,7 фоизга ўсганини кузатилади.

Ишончлилиги параметрининг ўртача қиймати 2005 йилнинг биринчи чораги бўйича 46,11 баллини ташкил қилган бўлса, 2006 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича 46,62 бал бўлди. Ушбу параметрни ҳисоблашда капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати ва ликвидлилиги каби кўрсаткичлар инобатга олинди. Ишончлилиги кўрсаткичининг ижобий ўзгариши банклар ликвидлиги (46,44 балдан 46,38 балга) ва капиталнинг етарлилиги (43,34 балдан 43,36 балга) даражасининг ўсиши ҳисобига эришилди. Ўтган даврда банкларнинг акциядорлик капиталли 17,4 фоизга ўсди. Келгуси чорақларда ҳам банклар капиталли микдорининг Марказий банк талабларига биннон ўрнатилган даражага етказиш мақсадида тобора ошиши кузатилади.

Фоиз ставкаларининг пасайиш тенденцияси ҳамда банклар даромад манбаеларининг диверсификацияланиши, янги хизмат турларининг жорий қилиниши фоизли даромадларнинг даромад келтирувчи активлардаги салмоғи камайишига (18% дан 16% га) олиб келди. Бундан ташқари, сифатланган фоизли даромадларнинг даромадли активлардаги салмоғининг 1,9 фоиздан 2,0 фоизга ўсиши кузатилади. Натijaда активлар сифати кўрсаткичининг даражаси 48,07 баллини ташкил қилди (2005 йил I чораги якунлари бўйича — 49,07 бал).

Тижорат банклари умумий соф фойдасининг 37,5 фоизга ўсиши натижасида рентабеллик кўрсаткичи 35,92 балдан 43,85 балга чаканга кўтарилди. Банкларнинг рентабеллик даражаси бўйича рейтингини аниқлашда унга кўрсаткич — устав капиталли, акциядорлик капиталли ва умумий активлар рентабеллиги инобатга олинди. 2006 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича рейтингда иштирок этган банклар устав капиталли рентабеллиги ўртача 55 фоизни (2005 йил биринчи чораги якунлари бўйича 43%), акциядорлик капиталли рентабеллиги 20 фоизни (18%), умумий активлар рентабеллиги эса 4 фоизни (4%) ташкил қилди.

Йирик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Кредит-Стандарт» банки	60,12	1
«Пахтабанк»	51,24	2
«Фаллабанк»	50,38	3
«Ўзсаноатқурилишбанк»	50,01	4
АБН АМРО БАНК МБ Ўзбекистон АЖ	48,27	5
«Ипотекабанк»	44,92	6
«Ўзтадбиркорбанк» ¹	15,73	7

Ўрта тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Алп Жамол банк»	47,75	1
«Ўздў банк» ²	35,21	2
«Парвинабанк»	33,08	3
«ЎТ-Банк»	32,98	4
«Инак Йўли банки»	30,96	5
«Трастбанк»	30,61	6
«Алокабанк»	28,51	7
«Савдогарбанк»	24,06	8
«Туронбанк»	21,16	9

Кичик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Даврбанк»	53,26	1
«Ўқтамбанк»	25,31	2
«Универсалбанк»	6,11	3
«Туркistonбанк»	5,47	4

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисидаги Фармонига биннон АТБ «Ўзтадбиркорбанк» негизда АТБ «Микрокредитбанк» ташкил этилди.
² «Ўздўбанк» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 5 майдаги қарорига биннон «UzDKB» Ўзбекистон-Корея Тараққиёт банки деб номланди.

MAMESMAN МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ

под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71; (998-90) 187-60-86. E-mail: asm-uz@yandex.ru

VOLVO
Volvo Truck Corporation
Göteborg, Sweden

Ўзбекистоннинг «TURONIMPEKS SERVIS» компанияси
Volvo Truck Corporation ширкатининг республикадаги
РАСМИЙ ВАКИЛИ

Сизга Volvo русумидаги умумий вази 16 тоннадан 100 тоннагача бўлган замонавий оғир юк автомобиллари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртмангизга биннон етказиб беришни кафолатлайди.

Манзилимиз: 700015, Тошкент, Кунаев кўчаси, 9-«А» уй.
Телефон: +998 71 150-66-20. Телеракс: +998 71 150-66-30.
www.volvotruck.com

Маҳсулот сертификатланган.

GAZ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
АВТОДОМ ПЛЮС

Ўзбекистондаги РАСМИЙ
ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРАДАГИ «GAZ»
РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ:
«Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ:
озик-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидроқўтаргичлар, автоуста-хоналар, бургулаш (буровые), чқинди ташийдиган, мобилъ билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.

АВТОИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнғил ташийдиган;
- самосваллар.

ТУЛОВ ШАКЛИ
ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Талабалар чекишга қарши
Тошкент Кимё-технология институтида «Чекиш — умр заволи» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Саломатлик институти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда институт раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуманда бир қатор мутахассислар суз олиб, чекишнинг инсонга нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам зарарли эканини мисоллар орқали таъкидлашди. Тамакининг нафас йўллари, юрак қон-томир тизими аъзоларига таъсири борасида мутахассислар фикри талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, тадбир давомида институт талабаларининг «Чекишга чек қўй!» деб номланган бадий чқишлари ва кашандаликнинг аянли оқибатларини ҳижоя қилувчи видеоларга намойиш этилди.

М.ОХУНОВА.

КАМАЗ юк машиналари учун
ШИНА

Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com таклиф этади

Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал — Бобур боғи)

Қашиқларё вилоти Халқ банки жамоаси Китоб туман филиали бошқарувчиси
Зиёдулло Очловчи ХУДОЕВнинг вафоти муносабати билан мардумнинг оид аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилди.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 857. 27344 нухсада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55;
Қотибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамшед Тоғев ҳамда Баҳодир Файзев томонидан саҳифаланди.
Тақририда ҳажми 5 қоғоздан эълм материаллар қабул қилинмайди.
П — Тижорат материалли

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ҲАА якуни — 21.00 Тошйирлиди — 21.30 12345

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси